



ТҲРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1995 йил 31 май. Чоршанба. № 34 (14286)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ИҚТИСОД — БАРҚАРОРЛИК ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Шу йил 26 май кунин Минск шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтгани тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар қилинди. Унда узоқ тўловларни тартибга солишга хизмат қиладиган давлатлараро валюта қўмитаси тузиш, бошқа иқтисодий, ҳарбий соҳала ҳамкорлик, коллектив хавфсизлик, МДХ чегараларини қўриқлаш, коллектив тинчликни сақлаш кўчаларининг (КТСК) Тожикистон ва Абхазия каби кескинлик учоқларида туриш муддатини узайтириш, ихтилофларни бартараф этиш, ҳарбий юкларни ташини, Парламентлараро ассамблея, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари, Ҳамдустликка аъзо мамлакатлар фуқароларини Жуков медали билан мукофотлаш, иқтисодий суд фаолияти ва уни такомиллаштириш каби кўпгина масалалар муҳокама қилинди, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Шундан ҳам қурилиб турибдики, давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иқтисодий масалалардан қўра ҳарбий ва чегара масалаларига кўпроқ эътибор берилди. Навбатдаги учрашув олдидан президентлар Исро Каримов ва Александр Лукашенко иқтисодга тегишли энг долзарб муаммоларга етарли даражада аҳамият берилмаётганини таъкидлашди.

Минск шаҳрида давлат бошлиқлари умумий хавфсизлик, чегараларни биргалашиб қўриқлаш ихтилофларни бартараф этиш каби масалаларни муҳокама этишган бўлса, ҳукумат бошлиқлари эътиборини иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратишди.

МДХнинг умумий чегаралари ва уларни биргалашиб қўриқлаш масаласида томонлар тўтган мавқе бир-бирини фарқ қилиши маълум бўлди. Мустақил давлатлар чегараларини Ҳамдустликнинг умумий чегаралари деб тан олиш ва қўриқлаш тўғрисидаги шартномани етти давлат имзолади. Ўзбекистон томони фикрига қўра эса МДХнинг умумий чегараси йўқ, аксинча, ҳар бир мустақил давлатнинг ўз чегараси бор ва ҳар бир давлат уни ўзи қўриқлаши керак.

Ҳамдустлик мамлакатлари ўртасида тулақонли ва тенгхуқуқли интеграцияни вужудга келтириш учун, аввало, тинчлик ва барқарорлик

зарур. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда айрим минтақаларда вужудга келган уруш учоқлари оловини ўчириш, муҳолиф томонларни узаро муроасага келтириш ута муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси ва раҳбарларини ташвишга солаётган ҳол Тожикистон муаммосидир. Президентимиз таъкидлаганидай, қўшни республикадаги вазиятни узоқ вақт чегарада қурол ва қўшин тўплаш билан изга тушириб бўлмайди. Бу чегаранинг нариги томонидан ҳам худди шундай жавоб чоралари қўрили-

ши ва ихтилофларнинг бундан буён ҳам сақланиб қолишига сабаб бўлади. Тангликдан чиқишининг бирдан-бир йўли Тожикистон расмий ҳукумати ва муҳолифат ўртасидаги мулоқотни давом эттириш ҳамда муроасага эришишдир. МДХ давлатлари коллектив хавфсизлик шартномасига қўра, тожик-афғон чегарасини қўриқлашга, урушдан кейинги Тожикистон иқтисодини тиклашга ердан бера-ую, расмий Душанбе вазиятини изга солиш таловини қўрмасе, минтақа давлатлари берган ердамлидан, аввало, ўзлари зарар қўриши мумкин. Сир эмаски, Марказий Осиёдаги нотинчликнинг иқтисодий раванакига тусоқ бўлибгина қолмасдан, узоқ вақт таъхиш кўчлар таъсирида қолиб кетишига сабаб бўлади. Бугунги қийинчиликларни ениб ўтишининг бирдан-бир оқилона йўли минтақавий интеграция орқали дунёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга тезроқ қўшилишдир.

Шу уринда Ўзбекистон

раҳбариятининг тожик-тожик музокараларини давом эттиришда қатъий позицияда тургани ва зарур натижаларга эришиш йўлида бор куч-гайратини аймақтанини ҳам еслаб ўтиш уринли бўлади. И. Каримовнинг шу йил апрель ойининг бошларида Тожикистон муҳолифати етакчиларидан бири А. Туражонзода билан қўриқлаш ва уни вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги Ўзбекистон иллари сураётган тақдирлар билан таништиргани бунинг еркин далилидир.

Юзага келатган ихтилофларни бартараф этишда кол-

носабат урнатилса, аввало, ўз манфаатларига асосланилади. Шундай экан, давлатлар манфаатига мос келмайдиган ихтирий интеграция бўлиши мумкин эмас. То шу кунгача қабул қилинган беш юздан ошмиқ ҳужжатларнинг аксарияти қўғозда қолиб кетмаггани сабаби томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганида эмас, аксинча, узаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли бўлишига интилаётгани билан боғлиқ.

Навбатдаги саммитда билдирилган энг муҳим мулохазалардан бири давлатлар ўртасида икки томонлама му-

корлик қилиш имкониятини яратиб беришдан иборат. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида А. Лукашенконинг Ўзбекистонга ўтган йил декабрь ойидаги расмий сафари чоғида имзоланган ҳужжатлар ва зудлик билан уларни амалга оширишга киришилиши икки томонлама муносабатларни йўлга қўйишнинг намунаси дейиш мумкин. Амалга-чиқарилган И. Каримовга ҳам, А. Лукашенкога ҳам муаммоларни ҳал этишнинг назарий еки фалсафий йўллари қилириб, гоҳо имконсизликдан нолиб ўтиришдан қўра, уларнинг амалий ечимини ахтариб топиш маъқулроқдир. Айни шу жиҳат икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

Давлатлараро валюта қўмитаси тузишга келишиб олингани ва бошқа бевосита иқтисодга тегишли қарорлар қабул қилингани ушбу соҳада қийинчиликлар билан бўлсада, олға силжиш бўлаётганини кўрсатади. Бироқ бу мавжуд иқтисодий аҳволнинг тез орада унглиниши учун етарли эмас. Бошқача айтганда, сиёсий амбициялар урнини соғлом иқтисодий ҳамкорлик эгаллаши зарур. Бу русларнинг ҳам, ўзбекларнинг ҳам, бошқа миллатларнинг ҳам манфаатига бирдай мос тушадди. Зеро, иқтисод тенгхуқуқли ва узаро манфаатли муносабатлар урнатиш пойдеворидир.

Эндилкида ялпи тинчликни сақлашнинг сиёсий воситалари билан биргаликда иқтисодий омиллари мавжудлиги ҳам эътироф этилмоқда. Бу, аввало, мамлакатлар ўртасидаги узаро иқтисодий боғлиқликни кучайтиришдир. Ҳеч бир мамлакат бутун ўзи сармом солаётган бошқа бир мамлакат устига эртан қўшин тортиб бормаиди. Негаки, бундан биринчи навбатда унинг ўзи зарар қўради. Бу МДХ давлатларига ҳам тегишлидир.

Хуллас, МДХ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг, Беларусь президенти табири билан айтганда, ҳеч бир муъжиза қўғилмаган Минск учрашуви ниҳоясига етди ва кейинги саммитни шу йил ноябрь ойи бошларида Сочи шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Фахриддин НИЗОМ.
СУРАТЛАРДА: учрашувлар пайти.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



30 май кунин Ўзбекистон Президенти Исро Каримов Марказий Осиё-Америка талбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент меҳмонларни юртимизда ташири билан қутлар экан, кичик ва урта талбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим урин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳозирги пайтда қўллаб-қувватланган давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ҳам самарали иқтисодий ҳамкорлик қил-

моқда, — деди Исро Каримов. — Яқиндагина ишга тушган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бунинг яққол мисолидир. Мамлакатимизда жаҳоннинг йирик банклари, молиявий ташкилотлар, сармомдорлар ўз ваколатхоналарини очган. Яратилган қўлай шарт-шароит хорижий ишбилармонларнинг юртимизда фаолият қўрсатишига катта имкониятлар очмоқда.

С. Соларз самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мамлакатимизда кичик ва урта талбиркорлиқни ривожлантириш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган иш-

ларга юксак баҳо берди. Узи бошқараётган жамғарманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосарлари У. Султонов, В. Чўен ҳамда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этиди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Факултети ва Мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳозир бўлди.

СУРАТДА: қабул пайти.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат. (ЎЗА).

«ТАЛАБАЛААР БАҲОРИ» БАЙРАМИ КҮП СӨЗ БҮЛДИ, ЁШЛАР ЮРГАН ЙҮЛЛАРДА ГҮЛААР ПОЯНДОЗ БҮЛДИ.

«Илм, тараққиёт, келажак!» шиори остида Самарқандда ўтган II фестиваль таассуротларга бойдир

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчиларининг Республика ёшларига МУРОЖААТИ

Азиз тенгдошлар! Диримизда эсаётган истиқлол шабдалари туғилиб биз ёшлар учун эркин фикрлаш, ижодий меҳнат қилиш, илм-фан сирларини мукаммал эгаллаш, қўлаверса барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга кенг имкониятлар яратилди.

Айниқса, юртбошимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки қўлариланок ёшлар тарбиясига, уларнинг эркин камол топиши ва ўз қўбилишларини рўсбага чиқаришлари учун тула замин яратиб берилаётганининг гувоҳимиз.

Президентимиз «Биз меҳнатсевар, илму-маърифатга чанқок, ўз халқига солиқ, иймонли ва иродали ёшларимиз билан фойхорланамиз», — деб биз ёшларга катта умид боғлаганликлари бежиз эмас. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам фақат филокорона меҳнат ҳамда дуневий билимларни чуқур ўрганиши орқалигина ерут келажак яратилади. Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳон майдонига чиқиши лозим. Шунинг учун ҳам ўзини шу эл, шу замин фарзанди деб билган ҳар бир йигит-қиз юртимиз келажиги, биз туғилиб вояга етган шу азиз тулроқ ҳаққи-ҳурмати истиқлолимизни истикболи йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш, тинимсиз изланиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларини пухта эгаллаши лозим. Шу билан бирга биз ёшлар жонажон

Ўзбекистонимизда билимдон ва зинети, чет тилларни мукаммал билувчи етук мутахассисларга эҳтиёж катта эканини, махсус дастурлар билан бошқариладиган мураккаб дастгоҳларда ишлаш, илмий кафиетлар яратиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга изчил талбик қилиб бориш маъсулияти асосан бизнинг зиммамизга тушишини англамоғимиз ва дилдан ҳис қилмоғимиз лозим.

Қадрли дустлар! Фаробий, Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Улутбек, Навоий каби буюк аждодларимизнинг анъаналарига садоқатли бўлайлик. Утмиш маданият-маънавий меъросимизни чуқур ўрганиш билан бирга замонавий фан чуққиларини забт этиш йўлида фидойилик қўрсатиб меҳнат қилайлик.

Биларга жонажон Ўзбекистонимиз ўз истиқлолини тобора мустаҳкамлаб, ривожланиш сари дадил бораётган маъсулиятли даврда яшаш, ўқиш ва ишлаш насиб этган экан, истиқлолдек улут нэмаётининг қадрига етиш, уни янада мустаҳкамлаш, авлоддан-авлодга авайлаб етказишдек муқаддас вазифа зиммамизга тушарганини унутмайлик, юртимиз шону-шавкатини баланд қутаришдек улутвор ишга бутун қалбимиз, билимимиз, салоҳиятимиз билан интилайлик.

Сизларга сўхат-саломатлик, ўқиш ва ишларингизда гайрат-шижоат, шахсий ҳаётингизда бахт ва омад тилаймиз!

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.


«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.

«Талабалар баҳори» II фестивали иштирокчилари.

ЙИЛНИНГ БУЮК ВОҚЕАСИ



Зарафшон водийсида, қадим «Ипак йўли» бўйлаб қанча қанча олтин юклаган хоржин карвонларни кузатиб қолган Қизилқум чулида яна бир тарихий воқеа юз берди — 25 май кунин Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижаларидан бири бўлиши «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга тушди.

Шу кунин Мурунтовада қўшма корхона очилишига бағишланган тантанали митинг бўлди. Унда Ўзбекистон ҳукумати делегацияси, Ньюмонт голд компанияси делегацияси, таниқли хорижий талбиркорлар, чет эл ва маҳаллий матбуот вакиллари қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСРОМОВНИНГ ЛИТВАГА ТАШРИФИГА ДОИР
Литва Республикаси Президенти Альгирдас Бразаускасининг тақдироти биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримов шу йил 7-8 июнь кунлари давлат таширифи билан Литва Республикасида бўлади.

ЁШЛИККА ҲАМРОҲ УЧ КҮН

Яхши кунларни соғиниб яшаш одати ҳар бир инсонга хос одат. Байрамлар шўхли, соғинчини ҳис этган ёшлар фестивал кунлари роса яйрашди. Ҳар қадамда баҳслар, сўхбатлар, ўтказилган тадбирлар ҳақидаги фикрлар...

Биринчи кўн. Карнай сурнай садолари тантаналардан дарак бериб янгради. Гуллар дилларга пешвоз бўлди. Нон-туз ризқнинг бутунлигини акс эттирди.

Шаҳар меҳмонхоналари ёшлар, меҳмонлар билан гавжумлашди. Ҳамма жойда ёшларнинг қувноқ кўнгуллари. Ҳавас билан уларга боққанлар қанча бўлди.

Автобуслар калоннаси шаҳарнинг қадимий гушаси — Регистон майдони, Шўҳи Зинда, Бибиҳоним, Гури Амир мақбараларига йўлларини солди. Қатнашчилар мафтункор обидаларни томоша қилишдан ҳавасланишди. Кимлар бу ерларга аввал ҳам келган,

кимлардир илк бор ҳайратини яширолмай боқарди. Кечга томон ҳавони қора булут босиб, юракларга хавотир тушди. Кун баданни жунжитади. Ёшларга бу пинсанд эмас. Одамлар оқими барибир қўпайди. Томошабинлар билан гавжумлашган Регистон майдониди фестивалнинг очилиш маросими бўлди.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).



